

Ислон Каримовнинг Болгарияга ташрифи

София /ЎА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади/.

23 июн кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташрифи билан Болгарияга келди. Икки давлат байроқлари билан безатилган София аэропортида мамлакатимиз раҳбари ва унинг рафикасини Болгария Президентини Петар Стоянов рафикаси билан қарши олди. Шу эринг узида Ўзбекистон Президентини расмий кутуб олиш маросими бўлди. Фахрий қорувул саф тортиди. Ҳар икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қорувул сафи олдидан ўтдилар. Аэропортда Президентлар Ислон Каримов ва Петар Стояновнинг қисқача мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун қисқача баёнот бердилар. Узаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилиш ҳар икки мамлакатда ҳам бир хил экани таъкидланди. Сўнг машиналар қаровон «Бояна» ҳавороти томон йул олди. Бу ерда Ислон Каримов Болгария Бош вазири Иван Костов билан учрашди. Мулоқот чоғида икки мамлакат уртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, давлатларимиз уртасидаги муносабатларни мустақамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислон Каримов Болгария пойтахти Софияда гул куйди. Александр Невский соборини бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари Болгария Халқ Йигинига ташриф буюрди. Бу ерда Ислон Каримовнинг Йигин раиси Иордан Соколов билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки давлат уртасида кунчилик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, парламентларо алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Окшом Президент Ислон Каримовнинг Президент Петар Стоянов билан суҳбати бўлди. Дустона руҳда утган мулоқот чоғида халқаро муаммолар, шунингдек, мамлакатларимиз уртасидаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни мустақамлашга доир масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Суҳбат ниятида томонлар уларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан очик-ойдин мулоқот утказганлари ҳамда ушбу мулоқотда асосида фикрлар уйғунлиги аён бўлганини маълум қилдилар. 24 июн кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Болгария Республикасида давлат ташрифи давом этди. Расмий музокаралар Уйида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Болгария уртасидаги транспорт, савдо-сотиқ, маданий ва бошқа соҳаларда узаро алоқаларни ривожлантириш, давлатларимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада юкори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда дустона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси уртасида сарможаларни узаро рағбатлантириш ва ҳи-

мои қилиш тўғрисидаги, маданий соҳада ҳамкорлик, савдо ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик, автомобильларда халқаро йўналишда йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги Битимлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ҳукуматлари уртасида транспорт соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги Меморандум имзоланди. Ислон Каримов ва Петар Стоянов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Жумладан, Президентларнинг ақма-ақма суҳбати ҳамда кенгайтирилган таркибдаги музокараларда қўриб чиқилган масалалар хусусида суз борди. Миллий маданият уйида давлатимиз раҳбари Болгария ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Ислон Каримов тадбиркорлар билан суҳбат чоғида Ўзбекистонда хорижий сарможалар учун яратилган қулайликлар, юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳақида сузлади. Болгария ишбилармонлари Ўзбекистондаги сарможаларнинг бошқа давлатда учратиш мушкул эканини эътироф этиб, ҳамкорликни кенг қўламада ривожлантиришга тайёрлик билдирди. Ислон Каримовнинг Болгарияга ташрифи давом этмоқда. (ЎА).

Ўзбекистонда Тожикистон кунлари

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республикаси ҳукумати уртасида тузилган «Маданият ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги битимга мувофиқ мамлакатимизда шу йил 29 июндан 5 июлгача Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилди. Вазири Маҳмасида Тожикистон Республикаси кунларига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирилик, идора, ташкилот, ижодий бирлашмалар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, айрим вилоятлар ҳокимларининг уринбосарлари иштирок этди. Мажлиси республика Бош вазирининг уринбосари, ташкилий қўмити раиси Алишер Азизхўжаев бошқарди. Мажлисида ушбу тадбирга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Маданият ишлари вазири Абдурахимов, Ташки ишлар вазири урин-

маркази ходимлари, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди. «Тожикистон» саройида эса «Тожикистон - мустақиллик йилларида» деб номланган фотосуратлар, китоб ва этнография кургазмаси иш бошлади. Тожикистон Республикаси кунлари иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарь вилоятлари меҳнатқашлари билан учрашувлар ўтказди. Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилган бу муҳим тадбир мамлакатларимиз уртасидаги дўстлик ришталарини, маданий алоқаларимизни янада мустақамлашга хизмат қилади. Мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов сузга чикди. (ЎА).

ЕТТИ ИҚЛИМ НАҲАСИ

НАТО КОСОВО ТАРАФДОРИ Германия Федератив Республикаси Муҳофаа вазири Фолкер Рюф мамлакат парламенти — Бундестагнинг ҳарбий ишлар бўйича комиссияси йиғилишида сузга чикиб, НАТО ҳарбий самолётларининг Албания ва Македония чегаралари яқинида ҳарбий тайёр ховлатга келтириб қўйилиши ўта муҳим эканлигини қайд этди. НАТО қуроли кучларининг тайёрлиги Сербиянинг Косово муаммосини тезликда ҳал этишга туртки бўлиши мумкин. МУХОЛИФАТ ВАКИЛЛАРИ ҚАЙТМОҚДА Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги миллий арам масалалари бўйича комиссияси Афғонистон ҳудудида жойлашган тожик муҳолифат вакиллари ўз ватанларига қайтариш юзасидан иш бошлади. Тожикистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган Толуқон шаҳрида тўпланган муҳолифат вакиллари Тожикистоннинг Панж вилоятига олиб келинади. САЙЁХЛАР ҲАЛОКАТИ Шимолий Ҳиндистоннинг тоғли йўлиридан бирда туристлар ўтирган автобус кулаб тушган. Бунинг оқибатида 37 киши ҳалок бўлган. Ҳиндистонда суғити ҳафтада шундай тоғ йўллардаги ҳалокатлар сони 5 тага етди. Утган ҳафтада Жамну ва Кашмир вилоятида содир бўлган йўл ҳалокати туфайли 50 киши ўлган эди. МОЖАРО Беларуссиядан Европа Иттифоқига эъзо беш давлат, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Польша ва Япония эъланлари ўз ватанларига «жунаб кетдилар. Ушбу давлатлар эъланлари Беларуссия ҳукумати томонидан Минск яқинидаги «Дрозди» посёлкида жойлашган дипломатлар уйлариининг мусодара этилганига норозилик билдириб шундай қилганлар. Қорний давлатлар вакиллари Беларуссия ҳукуматининг бу хатти-ҳаракати Вена Конвенциясига мутлақо зид эканлигини қайд этганлар. ҚАЙСАРЛИК Исроил ҳукумати Америка Қўшма Штатлари томонидан тақлиф этилган Фаластинга араб ерларининг 13 фоизини қайтариб бериш режасига ҳамон қайсарлик қилиб рози бўлмаётди. Шунга қарамай, Бош вазири Нетаньяху фаластинликларга араб ерларини қайтариш юзасидан миллий референдум кунлари ўтказиш ниятини билдирган. ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ Чеченистон Президентини Аслан Масхадов Фармонига «биноан мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Фавқулодда ҳолат 15 июлга қадар давом этади, ҳар кун кеч соат 22 дан эрталаб 6 гача комендантлик соати ҳукм суради. Чеченистон раҳбариятининг нима ушбу бундай қарорга келганини тўғрисида хабар берилмапти. РОССИЯ ЁНГИНЛАР КОМИДА Россиянинг Хабаровск ўлкасида ҳар кун уртача 8 тадан ёнғинлар содир бўлмоқда. Асосан ўрмонзорларга ўт кетмоқда. Хабаровск раҳбариятининг бу ҳалокат билан курашишга қурбй өтмаётди. Ёнғиндан азизт чеккан ўлка фуқаролари қасалхоналарга өткизилмоқда. Жабранганлар орасида 37 нафар мактаб ўқувчилари ҳам бор. Улар дим олаётган ёғли лагарь ёнғин туфайли қуйиб қул бўлган. Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

Ангор туманидаги «Таллимарон» жамоа ҳужалиги бир вақтлари барча соҳада нафақат туманда, балки вилоятда етакчилардан эди. Тан олиб айтмоқ керак, «таллимарон»лик деҳқонларга ҳар қалай кўз тегдими, ё бошқа бирон нарса бўлгани, ишқилиб, омад улардан юз ўтирди. Деҳқончиликнинг пахта, галла, узумчиликдан бўлган режалар бажарилмай қоғозларда қолиб кетди. Утган йил охирида республикамиз ҳукумати томонидан иккирозга юз тугатган ҳужаликлари санақияга тушириш қоралиги долзарб масала қилиб қўйилди. Жумладан, «Таллимарон» жамоа ҳужалиги ҳам санақияга тушди. Шу муносабат билан бу ерда амалга ошириляётган бугунги ишлар ҳамда ишчилари ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоялаш учун олиб бориляётган ишлар билан танишидик.

Ҳужалик санақияга тушгач, унинг ички тузилмаси ва бошқарув раҳбарияти ҳам бутунлай ўзгарди. Ҳатто, 1400 иш урни қисқартирилди. Натижада, қул фуқароларнинг боши қотиб қолди. Ана шундай кезде ҳужаликнинг янги сайланган касабаси уюшмаси кумитаси раиси Маҳмад Назар Чоршанбиев уларни жузурига қақриб деди: - Биродарлар, биз ҳаммамиз бир одамлармиз. Қолаверса, мақсад ва йўналишларимиз ҳам бир. Қандай қилиб бўлса ҳам, ҳужаликни аввалги ҳолига тиклашимиз зарур. Бунинг учун биз сизларга таянаемиз. Иш урни қисқариб кетди, деган хомхавлда юрганлар бўлса, бу шаштидан қайтсин. Биз барчангизга

иш урни ҳам, имконият ҳам берамиз. Гап фақат сизларнинг ишончини оқлашларингизда. Ҳар бирнингиз оила-аъзоларингиз билан узаро маслаҳатлашиб, имкониятларингиз даражасида ер олиб, «Оила-пудратиз» асосида ишашларингиз мумкин. Шунда кимдир луқма ташлади: - Ерни беринглар, ишлаймиз, ҳуқуматнинг талаби ҳам шундайку, деб илгариги раҳбарларга айттавериб, ҳолдан тойган эдик. Тагин, сизники ҳам қуруқ гап бўлиб қолмасин-да. Ҳужаликда - иқтисодий

Касаба уюшмаси кумитаси раиси дадил туриб фикрлар билдирди. Бундан кейин фақат ишлаганлар-тишлайди. Шунинг учун ҳам бор имкониятни барчангизга берамиз, лекин билиб қуйинг, ишни утган йиллардагидек, олиб борсаларингиз келиша олмаимиз. Ҳужалигимизга ҳам

ислохотларни чуқурлаштириш учун намунали дастур тузилган. Ҳар бир қилинадиган ишлар белгиланиб, муддатда бажарилмоқда. Масъул болдимларнинг ҳисоботлари эшитилмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир ишчи ва хизматчи билан меҳнат шартномалари тузилган. Унда иш беришчи ва ишловчининг ҳуқуқлари,

қатъий амал қилиниб бажарилмоқда. Биз ҳужаликнинг Турдиали Жураев бошлиқ оилавий пудрат даласига борганимизда ҳужалик бошқаруви раиси Шайдулла ака Болтаевни ҳам шу ерда учратдик. У киши биз билан суҳбатда шундай деди: - Ҳужалигимизда 1900 гектар галла, 2320 гектар пахта майдонлари пудратчиларга берилган. Туман бўйича чигит экиш 15-20 кун олдин тугалланди. Ҳузаларимиз чинбарг чиқариб, қийгос гуллади. Дарҳақиқат, бугун санақияга тушган «Таллимарон» жамоа ҳужалигида ишлар яхши йўлга қўйилган. Насиб этса, бу азамат деҳқонлар берилган имкониятдан оқилона фойдаланиб ҳужаликнинг доврuginи тиклайдилар. Бунга ҳеч бир шубҳа йўқ. Биз ҳужалик далаларидан қайтар эканмиз, «таллимарон»лик деҳқонларнинг яхши ниятлари ижобат бўлишини талаб қолдик. Рустан ДАВЛАТ, «Ишона»нинг махсус мухбири.

Мустақиллик маҳсули



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари сафига Фарбий Европада тайёрланган янги А-310 самолёти қўшилди. Мустақилликка юз тутган Ўзбекистон турмушининг куллаб жабҳаларида дунё ҳамжамиятига тенг ва тўлақонли аъзо сифатида кириб бориши жарағида фуқаро авиациямиз ҳам узига муносиб урин тутиши табиий, албатта. Ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг хорижий ҳамкорларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ана шу ҳамкорликни ривожлантириш учун эса замонавий авиацияга эга бўлиш зарурлиги давр талаби эканини яхши тушунган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарлари самолёт-мотор паркинги энг сунгги талабларга жавоб бера оладиган янги кемалар билан тўлдириб бориш учун барча чора-тадбирларни қуришмоқда. 1993 йили дастлабки икки А-310 самолётлари йўловчиларга хизмат курсата бошлади. Уларнинг юксак самардорлиги, хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур қафолатларни бера олиши натижасида миллий авиакомпаниямиз жаҳон авиашуварлар бозорига узига муносиб урин эгаллади. (Давоми 2-бетда).

ФРАНЦИЯДАН КЕЛГАН «БУХОРО»

Касаба уюшма ҳаёти: ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

Мамлакатимиз мустақиллиги берган имкониятлардан бири барча республикамиздаги ташкилотларнинг, хусусан у давлат ташкилотими, нодавлат ташкилотими, бундан қатъий назар унга халқаро тажрибалардан баҳраманд бўлиш, халқаро миқёсда фаолият

курсатиш имкониятига эга бўлганлигидир. Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг мақсадлари ва олдига қўйган вазифалари нукта назаридан олиб қаралса, унинг уз фаолиятини халқаро муносабатлар асосида янада бойитиб бораётганини таъкидлаш мумкин.


Зотан инсон манфаатлари, унинг ижтимоий ҳимоясида ута ҳавтий фаолият шундай ишларни тақозо этади. Яқинда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова бошчилигидаги Ўзбекистон касабаси уюшмалари фаоллари

Бишкек шаҳрида Халқаро Эркин касабаси уюшмалари Конференцияси уюштирган йиллик тадбирда фаол иштирок этган бўлсалар, шу кунларда бу ташкилотнинг Маркази Осие ва Шарқий Европа координацияси сектори мудири Анна УЛАТАР, ташкилотнинг Жанубий Осие ва Тинч

океани ҳудудий бюроси директори Параярички ХАРИДА-САН, МДХ мамлакатлари бўйича директори Вадим Борисовлар Ўзбекистонда бўлиб, ҳамкасблари фаолияти билан танишдилар. Шунингдек, Ўзбекистон касабаси уюшмалари ҳам бу нуфузли ташкилот билан ҳамкорлик режалари хусусида келишиб олишди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари Самарқанд ва Бухорода бўлиш-

ди. Тошкентда, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида касабаси уюшма фаоллари билан мулоқотда бўлишди. Мулоқотда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси уринбосарлари, тармоқ касабаси уюшмалари Марказий қўмиталари раислари, касабаси уюшмалари Тошкент вилоят ва шаҳар кенгаши раислари ва бошқа касабаси уюшма фаоллари иштирок этишди. Учрашуви Ўзбекистон касабаси

уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси биринчи уринбосари Маҳмуд Расулов очиб, халқаро ташкилот вакиллари республикамиз ҳаёти, касабаси уюшмаларининг унда тугган урни ҳақида сузлаб берди. Шундан сунг ҳар икки томон узаро мулоқотга киришдилар. Газетамизнинг 2-саҳифасида мухбиримизнинг ушбу халқаро ташкилот вакили билан суҳбатини ўқийсиз.



РОССИЯ ЁНГИНЛАР КОМИДА Россиянинг Хабаровск ўлкасида ҳар кун уртача 8 тадан ёнғинлар содир бўлмоқда. Асосан ўрмонзорларга ўт кетмоқда. Хабаровск раҳбариятининг бу ҳалокат билан курашишга қурбй өтмаётди. Ёнғиндан азизт чеккан ўлка фуқаролари қасалхоналарга өткизилмоқда. Жабранганлар орасида 37 нафар мактаб ўқувчилари ҳам бор. Улар дим олаётган ёғли лагарь ёнғин туфайли қуйиб қул бўлган. Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

Анна УЛАТАР:

«ЎЗБЕКИСТОН – ҲАМКОРЛИК УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЮРТИ»

(Мухбиримизнинг Халқаро Эркин касба уюшмалар Конфедерацияси Марказий Осиё ва Шарқий Европа координацияси сектори мудири Анна Улатар билан мулоқоти)

Муштарийларимиз учун бу нуфузли ташкилот ва унинг сиз фаолият кўрсатаётган бўлими ҳақида маълумот берсангиз?

Конфедерация 1949 йилда ташкил бўлган, унинг бугунги кунда 200 та аъзо ташкилотлари, 125 миллион кишидан иборат аъзолари бор. Унинг бош идораси Брюсселда жойлашган.



Анна УЛАТАР

лиш тақлифи қараб чиқилапти.

Нима учун ташкилотнинг номида эркин сўзи туради?

Бунга кўпроқ ташкилотнинг эркин ҳаракат қилиши назарда тутилган. Ташкилотимиз бутун Планета бўйлаб ҳаракат қилиш дастурига эга. Бу дастур барча ҳудудий, миллий, диний ва узаро муносабат қарама-қаршилигини чегараларини тан олмайди. Мақсад битта: ташкилотлар дунёнинг ҳар бир ерида касба уюшмалари эркинлиги, диктаторликдан ҳоли бўлиши учун курашди.

Бизни кўпроқ касба уюшмаларининг эркин фаолият юритиши масаласи қизиқтиради. Бу эркинлик уларнинг меҳнаткашларини ҳимоялаш дастурида, уни амалга оширишда жуда зарур.

Шу уринда собиқ СССР давлати касба уюшмалари билан ҳамкорлик қилин-

маганлигининг ҳам сабабини тушунса бўлади. Чунки бу давлатда ижтимоий ҳимоя масаласи касба уюшмалари зиммасига, ойлик маошини белгилаш эса давлат қўлида эди. Корхоналарнинг, унинг ишчи-хизматчиларининг уз маошларини, ижтимоий ҳимоя воситаларини белгилашда ҳуқуқлари йўқ эди. Бу уринда касба уюшмаларининг урни сезилмас эди.

Сизнинг мустақил Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларингиз қандай?

Ўзбекистонда жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухорода бўлиб, келажакка қараб интилаётган бир мамлакатни тасаввур қилдим. Бу ерда одамлар ҳамма нарсадан меҳнатни, уни қандай ташкил қилиш масаласини устун қуяқан. Бундай шароитда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш анча осон кечади. Бу Ўзбекистонда касба уюшмалари катта куч ҳисобланар экан. Тугриси, ҳатто бугунги катта маъража эга бўлган баъзи мамлакатларда ҳам касба уюшмаларининг аъзолари аҳолининг оз қисмини ташкил этади.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитасининг «1998 йил - ОИЛА ЙИЛИ» дастурини амалга оширишга йўналтирилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда «Республика таълим ва фан ходимлари оилаларининг, талаба ва ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини, маънавий-маърифий тарбиясини янада такомиллаштириш - мақzur йилдаги Марказий кўмита фаолиятининг устувор йўналиши, деб белгиланган.

Мақzur дастурдаги тадбирлар Марказий кўмитанинг Олий ва урта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Фанлар академияси билан тузилган шартномаларда ҳам акс этган.

Республика Халқ таълими ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитасининг ташаббуси билан республика Марказий Банки, Молия, Олий ва урта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда тармоқ ходимларига иш ҳақининг бир ойда икки марта берилишини таъминлаш ҳақида қўшма қарор тайёрланди, жойларга юборилди.

Бундан ташқари «Меҳнатни муҳофаза қилиш турғисида» қонунининг бажарилишини назорат этишди.

Кейинги бир йилда тармоқ буйича 480 та теҳшириш тақазиллиб, жойларда меҳнат ҳақидаги қонунлар, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоида-меъёrlарининг 3135 марта бузилгани аниқланган.

ҲАЁТГА ТАДБИК ЭТИШ УЧУН

Жорий йил режаси буйича 85 мингдан зиёд талаба ва ўқувчиларининг соғломлаштирилиши кузда тутилган. Шундан: мактаб қошидаги оромгоҳларда 65 минг, спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида - 5 минг, шаҳар ташқаридаги тармоққа қарашлиларда - 6 минг нафар ёшларни соғломлаштириш ва дам олдирish режалаштирилган.

Таълим ва фан тармоғининг узиға хос томонларидан бири талаба-ёшлар, ўқувчилар, уларнинг таълими ва тарбияси билан шуғулланувчи ходимлар билан ишлашдир.

Шу боис мақzur масалалар касба уюшмасининг доимий эътиборидадир.

Ходимларни, уларнинг оила-аъзоларини, талаба ва ўқувчиларни соғломлаштириш, дам олишини ташкил этиш масалалари касба уюшмасининг доимий диққат марказидадир.

Касба уюшма ҳаёти

Охири Наманган воқеалари аҳоли ва ёшларимиз орасида мафқуравий ва тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди. Мақzur йўналишда Марказий кўмита муайян иш-

лашни амалга оширмоқда. Хусусан, Марказий кўмитанинг «Тармоқ ходимлари, талаба-ёшлар, ўқувчилар, хотин-қизлар орасида мафқуравий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирлар режаси» ишлаб чиқилди ва вилоятларга ҳаётга тадбиқ этиш учун юборилди.

Пленум ишида яна бир муҳим масалага алоҳида тўхтади. Жорий йилнинг 25 майда Вазирлар Мақамасининг «1998/99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул турғисидаги Қарори чиқарилган ҳақида тўхталиб, ушбу республика аҳамиятидаги тадбирларда тармоқ касба уюшмаси фаоллари қатна-

шишлари, тест синовларида жамоат назоратчилари сифатида бевосита иштирок этишлари лозимлиги таъкидланди.

Шу йилнинг 5 январида Вазирлар Мақамасининг «Ўзбекистон таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашнинг такомиллаштириш турғисида» Қарорига асосан 1998/99 ўқув йили учун умумтаълим мактабларига дарсликлар, ўқув қўлланмалар чоп этилиб пулик шакли жорий этилиши билан ҳам таъминланган тармоқ ходимларини ҳимоя этиш мақсадида ҳар вилоятда халқ таълими бошқармалари томонидан олиб борилаётган муайян ишлари муҳофиза этилди. Олий ва урта махсус ўқув юртилари, мактаблар, боғчалар, Фанлар академиясида куп болали ва муҳтоо оилаларнинг руйхатлари тузилиб, уларга дарслик сотиб олишлари учун керакли моддий ёрдамни қўрсатиш зарурлиги таъкидланди ва Марказий кўмита Раёсатининг қарори қабул қилинди.

Г. ПАРПИЕВА, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитасининг бош мутахассиси.

Яхшилар бор бўлсин

ЭЗГУЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ ЙЎҚ

Олмалиқ-кон металлургия комбинати бош директори Виталий Николаевич Сигедин турғисида кўп эшитганман. Мана тўрт-беш йилки узим бу ноёб қалб эгасининг ишларини бевосита кўзи билан кўришимни назорат этишди.

Кейинги бир йилда тармоқ буйича 480 та теҳшириш тақазиллиб, жойларда меҳнат ҳақидаги қонунлар, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоида-меъёrlарининг 3135 марта бузилгани аниқланган.

Мана шу уйга яқинлашяпми. Ичкаридан сокин уммон узари хамирдан турган мажлар каби осулда, аллаловчи кўшик янграмоқда.



Виталий Николаевич Сигедин

лида қурдик узимизни. Кира-вершида икки оқсоқол металл устунларни буцайяпти. Оқик айовнда гулзорларро мўъжаз уриндикларда давра-давра

тонг қатнайди. Уларни ширинликлар, чой-нон билан сийлашди. Кейинроқ пешинга иссиқ овқат. Бир кунлик дам олиш мароми ҳаммала-

лста уз режалари билан таништирди. - Музыка, спорт мураббийлари машғулот ўтказиб туришди. Қариялар: «Ҳаётимиз янги мазмун касб этди», дейишяпти.

Ҳа, каттадир-кичикдир эзгулик бўлсин. Бу олам шу каби эзгу ишлар билан мукарман. Яхши одамлар борки, эзгулик янги-янги кўртакларда барг эзаверади. Олмалиқдаги қариялар уни бутун мамлакатимиз бўйлаб қанот қоқаятган минг бир жиљоси эзгуликларнинг бир томчиси, холос.

Омон бўлинг, яхшилар. Эзгу ишларингиз қуяверсин.

Шундай деганида рупарамда Виталий Николаевич Сигедин жийлави тургандек булаверади.

Жўра САДУЛЛАЕВ. Суратда: Олмалиқ кон-металлургия комбинати ижтимоий соҳа иншоотлари ҳозирининг бошлиғи Н.Воякина пенсионерлар уйи дам олувчилари даврасида.

В. Портнов олган сурат.

«Ишонч» мақолалари изидан

«УЗУН АРҚОН ТОРТИЛГАНДА...»

Рўзномада чоп этилган «Узун арқон тортилганда...» (28 май) мақоласи Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида кўриб чиқилди.

Қашқадарё вилояти, Косон тумани «Қорабайир» жамоа ширкат ҳужалигида утказилган тафтиш натижасига қўра вилоят прокуратураси томонидан 1995 йил 23 май кунги УзР ЖКнинг 151-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб,

тергов натижасида ҳужалиқнинг бош зоотехниги С.Раҳимбердиев шу модда билан айбланган ва жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилган.

Косон туман судининг 1995 йил 26 октябрь кунги қароми билан жиноят иши қўшимча терговга қайтарилган. С.Раҳимбердиевнинг жиноий характери ижтимоий ҳавфлигини йўқотган деб топилиб, УзР ЖКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан жиноят иши ҳаракатдан тугатилган.

Мақzur қарор вилоят прокуратураси томонидан 1998 йил 12 майда бекор қилинган ва ҳозирда иш буйича қўшимча тергов ҳаракатлари олиб борилмақда.

Терговнинг бориши назоратга олинди, қонуний ҳал қилиниши таъминланди.

Р. АБУДУРАҲМОНОВ, Прокуратура илораларида терговни назорат қилиш бошқармаси

Бозор муносабатларига ўтиш бошқичи шароитида кўпгина савдо ташкилотлари бўйингача қарзга ботиб қасодага ураш афрасига келганлиги сир эмас. Лекин шу нарса ҳам аёнки, раҳбарлари омилир-куни йўлдирадиган тадбиркор, ишонч кўзини билладиган ташкилотчи бўлса, уша ерда муваффақиятга эришилмоқда, пештахталар тўлдирляпти, одамлар толиқиб қолишяпти, ходимлар маоши ўз вақтида берилмоқда. Ана шундай жойлардан бири Мингбулоқ туман матлубот улғуржи савдо хиссадорлик жамиятидир. Яқиндан бошлаб ушбу ташкилот матлубот савдо акционерлик компаниясига айлантирилди. Нега?

Мақzur матлубот улғуржи савдо хиссадорлик жамиятининг Наманган вилоят матлубот хиссадорлик жамиятлари уюшмасига қарашли савдо ташкилотлари орасида доимо илгор жамоалардан бири сифатида тилга олиб келинаётганлигининг боиси бор. Туман аслида чул минтақасида жойлашганлигига қарамасдан савдо шахобчаларига кирсангиз таъминотнинг бошқа туманлардаги нисбатан анча дурустлигига дуч келасиз. Хусусан аҳолининг Вазирлар Мақамаси томонидан белгиланган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бу эса уз навбатда товар айланishi режаларининг ҳам ўз вақтида бажарилишига қўлай имконият яратмоқда. Амалдаги йилнинг турт ойлик режаларининг бажарилишини қараб чиқайлик. Шу давр мобайнида товароборот режаси деярлик 102 фоизга адо этилди. Еки кузда тутилган 80 миллион сум урнига 80 млн. 746 минг сумлик савдо хизмати кўрсатилди.

Иқтисодий ислохотлар амалда САВДО ТАШКИЛОТИ ЎРНИДА АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҳатдан қўшимча даромад келтириватган бўлса, иккинчи томондан бекор юрганлар учун янги иш уринлари яратиш имконини бермоқда. Шу билан бир қаторда аҳолининг озиқ-овқат хамда бошқа турдаги маҳсулотларига нисбатан ақтивнинг тулароқ қондиришча шароит яратяпти. Ҳозирдаёқ қандолатчилик, дуррад-горлик, тикувчилик, музақаймоқ кичик корхоналари ташкил этилган бўлиб уларда 50 дан ортик киши меҳнат қилиб рўзгор тебратмоқдалар.

Матлубот хиссадорлик жамиятининг раиси гоят ишбилармон, тиниб-тинчимас йигит Абдулҳоди Бокиев гарчи Наманган шаҳрида туғилиб ўсган, мактабни ҳам шаҳарда битказган бўлса-да, ўттиз йилдан бери чуқуварлар хизматида. Еттинчи синфини битказиб оқтасига ергашиб Мингбулоқка келган, пештахта ортида меҳнат қилишга ўтган. Шу ерда ишлаб юриб ўз соҳаси буйича сирдан уқиб аввалга техникасини битказди, кейинроқ олий маълумот олди. Мана олти-етти йилдирки, катта жамоага бош. Давр талабидан келиб чиқиб Мувоҳаза юритган А.Бокиев фақат

диган маҳсулот хисобига туман аҳолиси таъминоти яхшилашга бел боғлашяпти. Яқиндаги билдириб шу муаммоларни ҳал этиб бериш масаласини кўйди.

Туманимизда ишчи кучи кам, бусиз ҳам қишлоқ ҳужалик маъсули бошландими, умримизнинг ярми барибери да-лада утади, дейди уша ташаббус туғилиши сабаблари ҳақида сўхбатлашарканмиз Абдулҳоди Бокиев. Шунинг учун ҳам яхшиши, ҳар йили бусиз ҳам сарфланадиган куч-гайратимизни бирлаштириб «Савдогар» ҳужалиги ташкил этиб қўя қолишга қарор қилдик. Бу мақсадимизнинг яна бир томони шунда бўлдики, қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона очиниши, чорвачилик фермаси ташкил этишини ҳам қўзда тутган эдик. Буларнинг хаммаси учун хомашэ зарур. Биз режаларимизнинг батафсилроқ тушунтирганимизда туман ҳокимлигидаги қўлда-қувватлашди.

Дарҳақиқат бугунги кунда Мингбулоқлик кооператорларнинг ташаббуси вилоятда кўпчиликка маълум. Туман ҳокимлигининг қарорига қўра

матлубот жамияти жамоаси учун Аччиқул массивидан 310 гектар экин майдони ажрати берилди. Унинг 160 гектарид пахта, 50 гектарид полиз, 50 гектарид сабзавот, қолган майдонларда озуқа ва бошқа озиқ-овқат экинларидан деҳқончилик қилинди.

Биз ташкилотимиз қошида «Савдогар» номи билан деҳқончилик ҳужалиги ташкил этарканмиз, ундан келадиган натижаларни олдиндан ҳисоб-китобини чикардик ва шу асосда ишлаб чиқаришни кенгайтириш чораларини белгиладик, -сузда давом этади сўхбатдошим. -Биринчи навбатда ердამчи чорвачилик ҳужалиги ташкил эдик. Шу кунда 60 бош қорумол сўкимга боқилляпти. Уларни ҳар 100 кунда етилишига эришяпмиз, суңра туманимиз эҳтиёжини учун, чунончи, ошхоналар, болалар боғча-асилари, шифохоналарни гушт билан таъминляпмиз. Яқин кунларда улар сонини 300 бошга етказамиз. Энг муҳими, Амир Темир номидаги жамоа ҳужалигида уч-турт йилдан бери бекор етган консерва корхонасини беш йилга ижарага олдик ва ишга туширдик. Шу кунда бу ерда 51 киши ишляпти. Ҳосил пишган масулуи ишчилар билан корхонада ишчи уринлари 100 нафардан ортади. Туман ҳокимлиги ва вилоят матлубот уюшмалари бошқаруви бу бордаги интилишларимизни маъқуллаб ҳар тарафлама қулаклашмоқда. «Пахта» банки орқали имтиёзли равишда етарли микдорда пул қарзи

берилди. Мулжалимизга қўра «Савдогар» ҳужалигимиз ҳисобига чорвачилик фермаимиз етарли микдорда ем-хашак билан таъминлянади. Бундан ташқари узимизга ажратилган ернинг ҳосил битмайдиған қисмидан 10 гектаридан сўний қул ташкил қилиб баллиқ боқямиз ва у ерда қўзга бориб 20 тонна баллиқ етиштирамиз. Ҳаракатларимиз хозирдаёқ ўз самараларини беряпти. Ердამчи чорвачилик фермаси қошида 25 минг дона жужа етштириб сотдик ва ундан 760 минг сум соф фойда қурдик. Пахта майдонларимизнинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олинди ва 400 тонна пахта тайёрланади. Уни шу кундаги нарх буйича сотилгандаёқ 12 млн. даромад қурилади. Уни қайта ишлаш ҳисобига чиқадиган шелуха, кунжара билан чорвачиликни бемалол ривожлантириш мумкин. Полиз, сабзавот даладаримизда етишган ҳосил ҳисобига эса консерва корхонасини хомашэ билан таъминлянади. Буларга қўшимча жамоа ҳужаликлари, фермер ҳужаликлари билан полиз, мева ва сабзавот етказиб бериш буйича шартномалар туздик. Деҳқончилик ҳужалигимизда Тиркашбой Турдалиев ва Раҳбарали Сайфиддиновлар бошлиқ бригадаларнинг 45 кишилик аъзолари фидокорона меҳнат қилишляпти. Савдо ходимларимиз баҳоли-қураят уларга ердამ курсатишмоқда. Мақсад ва интилишимиз таъминоти яхшилаш билан бирга шу йилнинг узида 13 млн. сум соф фойда қуриши. Туман ҳокимлиги ишлаб чиқариш-шимиз ҳам кенгайиб қул тармоқликка айлино кетганлигини эътиборга олиб ташкилотимизни матлубот савдо акционерлик компаниясига айлганганиги юзасидан қарор чикардик.

1996 йил охири ва 1997 йилнинг дастлабки ойларида АҚШдан машхур «Боинг-767» пулат қушлари келтирилди ва Ўзбекистон номидан бешинчи уммон кенгликларида парвоз эта бошлади. Ана уша самолётларга «Самарқанд» ва «Хива» деб ном берилгани ҳам бежиз эмас эди. Дунёга донги кетган дурдонларимиз номи улкамизнинг узиға хос тимсоли экани барчага яхши аён.

Франция бугунги кунда фойтаб ҳавоси билан нафас олтилади деб айтсақ, асло муволага бўлмайди. Чемпионатнинг олти учрашуви утказилиши режалаштирилган Тулузада бизнинг Ўзбекистондан эканимиз, янги самолёт олиб кетиш учун ташриф бурганимизни эшитишганда алоҳида бир меҳмондустлик билан мулоқот қилишганини овоз ва обод юртимизга бўлган ҳурмат-эътибор рамзи сифатида қабул қилдик.

«Эрбас Индустри» консорциумида янги самолётни Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпания-

ФРАНЦИЯДАН КЕЛГАН «БУХОРО»



(Боши 1-бегла).

1996 йил охири ва 1997 йилнинг дастлабки ойларида АҚШдан машхур «Боинг-767» пулат қушлари келтирилди ва Ўзбекистон номидан бешинчи уммон кенгликларида парвоз эта бошлади. Ана уша самолётларга «Самарқанд» ва «Хива» деб ном берилгани ҳам бежиз эмас эди. Дунёга донги кетган дурдонларимиз номи улкамизнинг узиға хос тимсоли экани барчага яхши аён.

Франция бугунги кунда фойтаб ҳавоси билан нафас олтилади деб айтсақ, асло муволага бўлмайди. Чемпионатнинг олти учрашуви утказилиши режалаштирилган Тулузада бизнинг Ўзбекистондан эканимиз, янги самолёт олиб кетиш учун ташриф бурганимизни эшитишганда алоҳида бир меҳмондустлик билан мулоқот қилишганини овоз ва обод юртимизга бўлган ҳурмат-эътибор рамзи сифатида қабул қилдик.

«Эрбас Индустри» консорциумида янги самолётни Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпания-

сига тоштириш муносабати билан Европанинг турт ривожланган давлати - Франция, Германия, Англия ва Испания сармоялари ҳисобига фаолият юритаётган ва йилдан-йилга ривожланиб бораётган самолётсозлик гигантининг барча раҳбарлари тулгангани ҳам воқеа нуфузини таъкидлаб турарди.

Ўзбекистонлик авиаҳодимларнинг янги кемаимизни харид қилиш ҳақидаги қарорини бизга билдирилган ишонч деб биламиз ва мана шундай ишончга сазовор бўлганимиздан мамунимиз, - дея таъкидлади «Эрбас Индустри» консорциумининг ижрочи директори доктор Дитрих Руссель. - Авиакомпаниямиз ишлатаётган А-310 самолётлари суңги 12 ой мобайнида ҳар суткада ўч ой соат парвоз қилиб, 100 фоиз самардорликка эришгандан жуда хурсандимиз. Янги кема «Бухоро» деб аталишини ҳам мамуният билан қутиб олдик. Зеро, маданият ва маърифат бешикаларидан бири, қўна Бухоро номини бутун дунёда яхши биллишиди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг янги кемасига ҳам бизнинг двигателларимиз уратилишидан биз жуда хурсандимиз, - деди ўз сўзида «Парт-д'ет Уитни» фирмаси вице-президенти Жон Карней. - Жаҳон авиастауловчи бозорид янада мустаҳкамроқ уранишиб, янги-янги йўналишларни улаштиришиниғизда, йўловчиларга хиз-

мат қўрсатишда янги муваффақиятларга эришишимизда камарбаста бўлаётганимиз ҳамкорлигимиз ҳар икки томон учун манфаатли ривожланишидан далолат беради.

Бугунги кунда жаҳоннинг 90 га яқин авиакомпанияси А-300 ва А-310 кемаларида йўловчиларга хизмат қўрсатишмоқда. - деди янги самолётнинг рамзи «кариш» қабул қилиб олинган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбари Арслон Рузметов. - Биз ўш мустақил давлатимиз фўқаро авиацияси энг ривожланган авиакомпаниялар билан бир қаторда туришга астойдил интилимкодамиз. Суңги беш йилдан кўпроқ давр мобайнида беталофат ишлаганимиз халқроқ миқёсда эътироф этилди. Учувчиларимиз, муҳандис-техник ходимларимиз, ҳавода ҳаракатни бошқариш тизими вақилларимизнинг барчаси юртимиз давнаки йилда қишлоқ қилишдан бахтибёрдилар. Мамлакатимиз раҳбариятининг авиацияни ривожлантиришга бераётган катта эътибори бизни янада да яхши ишлашга ундамоқда. Янги самолёт «Бухоро» бу ишда бизга катта ёрдам беришига ишонамиз.

Шу ҳафтаининг охирида ўзбекистонлик учувчилар билан маротаба Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрига парвоз қилсалар, келгуси ҳафтада дунёнинг энг тузал шаҳри Парижга қатнов бажарилиши кузда тутилган. Бу орада, насиб этса, «Бухоро» Бухорои шарифдан Москвага «Шереметьево» халқаро аэропортига йўловчиларни етказза бошлайди.

Мирзахам Тўхтаманбаев, Тулуза - Тошкент.

Суратларда: «Бухоро» кемасининг илк парвози; «Эрбас Индустри» консорциуми ижрочи директори Дитрих Руссель ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбари Арслон Рузметов (ичада); янги самолётнинг тоштирилиши маросимини пайтда. Муаллиф ва Анвар Илёсов («Жаҳон» АА) олган суратлар.



Сирдарё вилояти, Сайхунжёлда Ўзбекистон - Швейцария қўшма корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, унинг таъбибдорлиги 14 турдаги сўт ва сўт маҳсулотларига талаб кўп сайин ортиб бормоқда. Жамоа ахли айни кунларда ўз маҳсулотларини Тошкент, Сирдарё, Гулистон шаҳарлари ва Тошкент вилоятининг Ҳазратбек, Оққўрғон, Бекбоёқ туманлари аҳолисига етказиб бормоқда.

Суратларда: илм-фан уюшмалари ўзбекистонлик аҳолига етказиб бормоқда. Тейёр маҳсулотлар.

Европадаги йирик иқтисодий-сиёсий тузилма - Европа Иттифоқи

1991 йилда Нидерландиянинг Маастрихт шаҳрида Европа давлатлари ўртасидаги молиявий муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилган Иқтисодий ва валюта иттифоқини (ИВ) тузиш, шунингдек, улар ҳудудда ягона пул бирлигини жорий этиш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Хужжатда Иттифоққа аъзо бўлишни хоҳлаган мамлакатлар зиммасига бир қанча мажбуриятлар юзланган. Жумладан, бюджет камомади ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизидан ошмаслиги, давлат қарзлари ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизидан кам бўлиши зарур. Шунингдек, бу мамлакатлардаги пулнинг қадрсизланиш даражаси ЕИ таркибига кирувчи инфляцияси энг кам бўлган уч давлатдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 1,5 фоиздан ортиқ бўмаслиги керак.

Бугунги кунга келиб Европа Иттифоқи аъзо 11 та давлат ва мажбуриятлар маълум даражада бажарилди, дейиш мумкин. Булар Белгия, Германия, Испания, Франция, Ирландия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Австрия, Португалия ва Финландиядир. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб мажбурият мамлакатлар ҳудудда евро мумолага киритиш бошланади. Уни икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Биринчи босқич 1999 йилнинг бошидан 2001 йил охиригача давом этади. Бу даврда евро миллий валюталар билан бир қаторда ишлатилаверади. Лекин у фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун қўлланилади. 2002 йилнинг биринчи олти ойи мобайнида миллий валюталар ва евро барча турдаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда тенг ишлатилади. Ушбу йилнинг охиридан бошлаб аъзо мамлакатлардаги барча пул ва валюта операциялари евро билан қилинади. 2002 йилнинг биринчи олти ойи мобайнида миллий валюталар ва евро барча турдаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда тенг ишлатилади. Ушбу йилнинг охиридан бошлаб аъзо мамлакатлардаги барча пул ва валюта операциялари евро билан қилинади.

Шарҳловчи минбари

ЕВРОПА: ПУЛ СИЁСАТИДАГИ ИНҚИЛОБ

Европулнинг аъзо мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилган Иқтисодий ва валюта иттифоқини (ИВ) тузиш, шунингдек, улар ҳудудда ягона пул бирлигини жорий этиш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Хужжатда Иттифоққа аъзо бўлишни хоҳлаган мамлакатлар зиммасига бир қанча мажбуриятлар юзланган. Жумладан, бюджет камомади ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизидан ошмаслиги, давлат қарзлари ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизидан кам бўлиши зарур. Шунингдек, бу мамлакатлардаги пулнинг қадрсизланиш даражаси ЕИ таркибига кирувчи инфляцияси энг кам бўлган уч давлатдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 1,5 фоиздан ортиқ бўмаслиги керак.

Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан ЮЛДУЗШУНОС ОЛИМ

Шарқнинг улғу алломаларидан бири Аҳмад ибн Қасир ал-Фарғоний жаҳон илм фани ривожига буюк ҳисса қўшган машҳур олимлардан биридир. У юлдузшунос олим ва қомусий ақл эгаси сифатида ҳам маълумдир. Ал-Фарғоний қолдирган бой илмий меросининг ҳалқимиз маънавий-маданий ҳаётида ўз урни ва аҳамияти юқсакдир.

Шарқда «Ҳосиб» Ҳосибчи», гарбда эса «Альфраганус» номи билан машҳур бўлган буюк ватандошимиз Ҳузайф Фарғонанинг сулҳи тушгани Куввада 793 йилда туғилди, воғда өтган. У ёшлигидан диний ва дунёвий билимларни чуқур ўрганди. Ушбу даврдаги илм-маърифат марказлари бўлган Марв, Богдо, Дамашқ, Қоҳира каби йирик шаҳарларда бўлиб, машҳур олимлар қаторида фаолият кўрсатди. У жуда кўп тилларни, чунончи, ҳинд, араб, форс, юнан тилларини чуқур ўрганди.

Илм-фан ҳомийси, адолатли ва одил халифа Хорунр Рашид (786-809) ва унинг ўғли ал-Маъмун (813-833) даврида асос солиниб фаолият кўрсатган «Байтул Ҳикма» «Донишмандлар уйи» чинакам илмий марказга айланган эди. Дунёнинг турли шаҳарларидан келган машҳур олимлар шу ерда турли фанлар бўйича илмий ишлар олиб боришда, қадимги юнон олимларининг асарларини араб тилига таржима қилишарди. Улар қаторида туркистонлик буюк алломалар - Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Жаҳварий, Аҳмад ибн Марвазийларнинг илмий изланишлари ва ёзган китоблари таҳсинга сазовордир.

Халифа ал-Маъмун фармони билан Аҳмад Фарғоний раҳбарлигида Богдо ва Дамашқ шаҳарлари яқинида расадхоналар қурилиб, мураккаб асбоблар урнатилиб ва чуқур илмий кузатиш ишлари олиб борилиди. Фарғоний «Астрономияга кириш» (Маҳдхул-ун-нужум) асарида Птоломей ва бошқа юнон олимларининг бу фан ҳақидаги фикрларини чуқур ўрганиб, ушбу даврдаги астрономик билимларни баён қилиб берди ва аввалги олимларнинг чунончи Птоломейнинг бир қатор қарашларини танқид қилди. У Богдо расадхонасида кузатиш олиб бориб, 812 йилги Кўёш тутилиши ҳақида олдиндан хабар берди. Кўп йиллик илмий изланишларида суянган ҳолда ернинг думалоқлигини далиллар асосида исботлади.

Аҳмад Фарғонийнинг «Китоб-ул-ҳаракат ас-самовия ва жаҳоний илм-ин нуҷум» (Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб) «Фи санъат ил-устурлоб» («Астрология санъати ҳақида»), «Ҳисоби ул-ақолим ас саба» («Етти икким ҳисоби»), «Китоб амал ар-рахомани» (Мармарнинг қиммати ҳақида китоб) ва бошқа қимматли асарлари Европа мамлакатларининг йирик кутубхоналарида кўп ғазма ҳолида сақланмоқда. Бу асарлар жуда кўп тилларга таржима қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИНИ ЖАҲОН ТАН ОЛМОҚДА

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Америка Қўшма Штатлари ҳамда Европа Иттифоқи раҳбариятлари томонидан ташкил этилган танлов голибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. 1997 йилнинг май ойида Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ва Европа Иттифоқи раҳбарияти машҳур Маршалл планининг 50 йиллиги муносабати билан инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамиятни демократлаштириш жараёнларида катта ҳисса қўшаётган жамоатчилик ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилган эдилар. Танловда Марказий ва Шарқий Европа, Кавказ ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлари иштирок этидилар. Биз учун шуниси қувончлики, Марказий Осиё республикалари орасида Ўзбекистондаги марказий раҳбариятнинг инсон ҳуқуқлари бўйича «Сабр» ташкилоти ҳодимлари ўзларининг демократик тамойиллари содиқликларини, мустақил ватанларини бўлган Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётини тарқатиш ишларида уларнинг асосий қисми бўлиб келди. Ушбу йилнинг июлида Марказий Осиё республикалари орасида Маршалл планининг 50 йиллиги муносабати билан инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамиятни демократлаштириш жараёнларида катта ҳисса қўшаётган жамоатчилик ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилган эдилар.

Танловда Марказий ва Шарқий Европа, Кавказ ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлари иштирок этидилар. Биз учун шуниси қувончлики, Марказий Осиё республикалари орасида Ўзбекистондаги марказий раҳбариятнинг инсон ҳуқуқлари бўйича «Сабр» ташкилоти ҳодимлари ўзларининг демократик тамойиллари содиқликларини, мустақил ватанларини бўлган Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётини тарқатиш ишларида уларнинг асосий қисми бўлиб келди. Ушбу йилнинг июлида Марказий Осиё республикалари орасида Маршалл планининг 50 йиллиги муносабати билан инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамиятни демократлаштириш жараёнларида катта ҳисса қўшаётган жамоатчилик ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилган эдилар.

МАРКАЗНИ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистондаги БМТ Бош қотибнинг вакили Ян Кўбеш матбуот конференциясида мухбирларнинг саволларига жавоб берар экан, республика ҳудудидagi барча қисмлар қуролсизлантирилиб, муҳолифат партиялари ва уларнинг органлари руҳсат берилгандагина демократик сайлов бўлиши мумкин. Унинг фикрича ҳамма ишлар учун республика ёрдамга муҳтож. Утган йили Венада донор мамлакатлар конференциясида Тожикистонга 55 млн. доллар ажратмоқчи эдилар. Аммо республикадаги кейинги сиёсий вазият бунга имкон бермаган.

Тожикистон чегараларини қўриқлаётган Россия аскарлари Афғонистондан ўтаётган икки кишини отиб ўлдирганлар. Уларнинг яна иккитаси асир олинган. Тинтув қилинганда чегара бузувчиларнинг ёнидан тўрт килограмм героин топилинган. Хитой Президенти Қозоғистонга ташриф буюради. Бу унинг қайта сайловлардан кейин хорижа қиладиغان дастлабки сафари бўлади. Алматыда у Марказий Осиёдаги Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Россия давлатлари бошлиқлари билан учрашди. Учрашувда давлат бошлиқлари беш томонлама ҳужжатларни имзолайдилар. Мухбирларнинг хабарларига қараганда бундай учрашувни доимийликка айлантирилиши кўтилмоқда.

Франция -98: МУСОБАҚАЛАР КUNДАЛИГИ

Францияда ўтаётган жаҳон чемпионатининг гуруҳ учрашувлари якунланиб бораётти. 26 июн куни нимчорак финалга чиққан барча жамоалар маълум бўлди. 16-жаҳон чемпионатида қатнашаётган ҳеч бир жамоанинг мағлубиятга учрамамлигига ким ҳам қафолат бера олади? Тўрт қарра жаҳон чемпиони Бразилия терма жамоаси футболчилари Норвегиялик футболчиларга имкониятни бой бердилар. Мусобақанинг 1-булимида ҳисоб очилмади. 2-булимида мудатдан аввал ним чорак финалга йўланма олган бразилиялик футболчилари ҳисобни очинди. Орадан кўп уйғун вазият нағдланди. Лекин учрашувлар норвегиялик футболчилар 11 метрлик белгидан Бразилия терма жамоаси дарвозасига тўрт қарра жаҳон чемпиони Бразилия терма жамоаси дарвозасига киритди. Шундай қилиб, италияликлар 7, Чили футболчилари эса уч очко билан нимчорак финалга чиқдилар. Шунингдек Франция, Нигерия, Аргентина, Хорватия, Руминия терма жамоалари ҳам жаҳон чемпионатининг нимчорак финалига қатнашишни таъминлаб қўйишди. «Е» гуруҳида Мексика ва Голландия терма жамоалари ҳисобида туртадан очко бор. Биринчи урин тақдир ушбу жамоаларнинг 25 июн куни бўладиган учрашувида аниқланади. «F» гуруҳида ҳам вазият нияҳоятда чиғал. Икки учрашувдан сўнг биттадан галаба ва бир дуранга эришган Югославия ва Германия терма жамоалари навбатдаги босқичга чиқиш учун асосий даъвогарлардандир. Шу йўланма учун Англия ва Колумбия футболчилари даъвогарлик қилишмоқда. Ушбу гуруҳда иккинчи йўланма эгаси Колумбия ва Англия терма жамоаларининг 26 июн куни узаро бўладиган учрашувларидан сўнг аниқланади. Демак, «А» ва «В» гуруҳларида мусобақа нияҳоятда етди. Энди «А» гуруҳида биринчи уринни эгаллаган бразилиялик футболчилар Чили терма жамоаси билан италияликлар эса нимчоракда Норвегиялик футболчилар билан мусобақалашади. Нимчорак уйинларидан бошлаб Олимпия қондаси қўнға қиради яъни ютқазган жамоа мусобақалардан чиқиб кетади. Бугунги кунгача ўтказилган мусобақалар якунига қўра Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Япония, Ямайка, Америка Қўшма Штатлари, Тунис, Камерун, Австрия, Мароккаш, ва Шотландия терма жамоалари учун жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқич уйинларининг эшиги ёпилади. Энди улар томошабинлар сафидан урин олишади.

«Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталари жамоалари «Ишонч» газетасининг Қашқадарё вилояти мухбири Аҳрор САМАРИДДИНОВнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади. Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши «Ишонч» газетасининг вилоят мухбири Аҳрор САМАРИДДИНОВ вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топшириш 21.30

Advertisement for 'ИШОНЧ' newspaper, including contact information for the editorial office and subscription details.